



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

ЖАМИЯТ

№ 20
(941)
2025 йил
22 май,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий газета

ТАБИАТ МЕРОС ЭМАС, ОМОНАТДИР

Инсоният тараққиёти, технологик ютуқлар ва урбанизация жараёнлари натижасида ер юзиде яшаши шароитлари ўзгармоқда. Бироқ, бу тараққиёт ўзининг салбий оқибатларини ҳам қолдирмоқда – ҳавонинг ифлосланиши, сув ресурсларининг камайиши, биологик хилма-хилликнинг йўқолиши, иқлим ўзгариши каби глобал муаммолар кундан-кунга долзарб бўлиб бормоқда. Айнан шундай шароитда табиатни муҳофаза қилиш масаласи ҳар бир жамиятнинг асосий стратегик йўналишларидан бирига айланиши керак. Ва энг муҳими, бу масала ҳар бир фуқаронинг қонуний мажбурияти сифатида намоён бўлиши лозим.

(Давоми 2-саҳифада)

Атроф-муҳит муҳофазаси

Қарор ва ижро



«Яшил истеъмол» маданияти:

ТАБИАТ ВА ИНСОН МУНОСАБАТЛАРИ УЙҒУНЛИГИ

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, жаҳонда рўй бераётган глобал ривожланиш ва иқлим ўзгаришлари даврида озиқ – овқат хавфсизлиги дунёдаги энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолиши мумкин. Бугунги кунда дунёда 800 мингдан ортиқ инсонлар очарчиликдан азият чекмоқда, иқлим ўзгаришлари жараёнида ушбу рақам 2028 йилга келиб бир миллиардга яқинлашиши мумкин. Зеро, жаҳон бўйича етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотларининг учдан бир қисми турли сабаблар билан фойдаланилмасдан чиқинди сифатида ташлаб юборилаётганлиги ўта ачинарли ҳолатлардан биридир.

Жаҳонда юз бераётган ушбу мураккаб бир пайтда Ўзбекистонда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби тўлиқ қондирилибгина қолмай, балки катта миқдорда экспорт қилинаётгани мамлакат иқтисодий салоҳиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистонда 2017–2023 йилларда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат секторига халқаро молия институтларидан 2,5 млрд доллардан ошдиқ инвестиция ва грант маблағларини жалб этилган бўлиб, 2030 йилгача озиқ-овқат ишлаб чиқаришни 2 баробар кўпайтириш режалари белгиланганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

(Давоми 3-саҳифада)

БОШПАНАЛИ ВА БАХТЛИ АВЛОД

Пойтахтда жойлашган кўп қаватли уйдаги хонадон. Бу ерда қарийб 30 йилдан бери Ёкубовлар оиласи яшаб келади. Уч хонали бу уйда уч фарзанд улғайди. Ҳар бири ўқиб, касбли бўлиб, мустақил турмуш арафасига келди.

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

Биринчи ўғил — Баҳодир, отаси каби босиқ, ҳалол, бир сўзли. Унинг рафиқаси Севара тўрт йил аввал келин бўлиб тушган, қайнонасининг яқин кўмакчисига айланганди.

Иккинчи ўғил — Дониёр, ёшлигидан шўхрок, лекин меҳнаткаш. Унинг рафиқаси Дилноза келин бўлиб тушганига ҳали кўп вақт бўлмаган, аммо у ҳам оилавий муҳитга мослашиб улгурганди.

Учинчи ўғил — Камолнинг оила куриш вақти келганида муаммо тараңлашганди. Унинг ҳам тенги топилган, никоҳ тўйи яқин... учинчи келин ҳам ўша уч хонали хонадонга тушиши керак эди.

Фарзандларини кетма-кет ўқи-

тиш, тўйини қилиш ташвиши билан оила жамғарма орттиришга улгурмаган, янги бошпана сотиб олишга қурби етмасди. Ҳозирча уйнинг бир хонасида катта ака, иккинчисиде ўртанчаси оиласи билан яшайди, меҳмонхонага ота-она жойлашган, Камол эса уйнинг балкон қисмида яшаб келади.

Кенжа уканинг тўйи олдида Баҳодир жимгина нарсаларини йиғиштира бошлади.

— Қаерга, болам? — сўради онаси.

— Ойи, мен энди ўзим мустақил бўлишим керак. Ижарага чиқамиз. Жой тайёр.

(Давоми 5-саҳифада)



(Боши 1-саҳифада)

ТАБИАТ МЕРОС ЭМАС, ОМОНАТДИР

Табиат – бу инсониятга берилган энг муқаддас ва бебаҳо бойликдир. У фақат ресурслар манбаи эмас, балки ҳаётнинг ўзи. Ўрмонлар – нафасимизни тозаловчи ўпка, дарёлар – ҳаёт суви, ҳайвонот олами – биологик мувозанатнинг асоси, тупроқ ва ўсимликлар эса озиқ-овқат занжирининг ажралмас бўлаги ҳисобланади. Шундай экан, табиатни фақат фойдаланиш объекти сифатида эмас, балки эҳтиёткорлик билан муҳофаза қилиниши лозим бўлган омонат, деб билишимиз зарур.

Ўзбекистон Республикасида экологияга оқилона муносабатда бўлиш, табиатни муҳофаза қилиш, табиий бойликларни асраб-авайлаш ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий мажбурияти сифатида бош қомусимиз – Конституция ва бошқа кўплаб қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган. Конституцияда Ўзбекистон экологик тараққиёт стратегиясининг асосий қоидалари, экологик ва аҳолининг экологик ҳавфсизлигига доир талаблар белгиланган бўлиб, ушбу сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат мамлакатимизда табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича энг муҳим ва асосий қоидаларни белгилаб беради.

Маълумки, конституциявий нормаларнинг экологик сиёсатни амалга оширишдаги ўрни ва аҳамияти бекиёс. Айнан Асосий қонунда давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг экологик фаолиятини шакллантириш бўйича асосий принциплари мустаҳкамланади,

фуқароларнинг экологик бурчлари белгиланади, жамиятнинг экологик барқарор ривожланишининг устувор йўналишлари ўрнатилади. Конституциявий нормалар тизими жамият ва табиатнинг ўзаро алоқаси чоғида юзага келадиган ва тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар тавсифидан келиб чиқиб, шартли равишда икки қисмга – умумий ва махсус экологик нормаларга бўлиниши мумкин. Умумий конституциявий нормалар демократик-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолиятини ташкил этиш-

юридик мазмунидан келиб чиқиб, Конституциянинг ушбу нормаси нафақат фуқароларнинг табиатни муҳофаза қилиш, балки табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мажбуриятини ҳам назарда тутди.

Бундан ташқари, Конституциямизнинг 66-моддасида мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши белгиланган. Фақат бунда мол-мулкдан фойдаланиш атроф-муҳитга зарар етказмаслиги, бошқа шахсларнинг, жамият ва

ташкilotидан 6 таси атроф-муҳит муҳофазасига алоқадор масалалар билан шуғулланади (YUNESKO, FAO, JST, XMT, DMT, EKOSOS).

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик ҳам белгиланган. Хусусан, маъмурий кодексда жиноят турига қараб турли миқдорда жарималар тўлаш ва маълум ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазолари кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 4-бўлими “Экология соҳасидаги жиноятлар” деб юритилади. Жиноят кодексда Экология соҳасидаги турли жиноятлар учун жарима тўлаш, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мол-мулкни мусодара қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ ва озодликдан маҳрум қилиш чоралари белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, табиатга эътиборли бўлиш – бу нафақат шахсий маданият, балки жамият олдидаги ахлоқий ва ҳуқуқий бурчдир. Ҳар бир фуқаронинг табиатни асраш борасидаги кичик амали – бу келажак учун катта қадамлардан биридир. Дарахт экиш, сувни тежаш, чиқиндиларни тўғри утилизация қилиш ёки болаларга экологик тарбия бериш каби оддий ҳаракатлар орқали биз нафақат бугунги кундаги экологик муаммоларнинг олдини олишимиз, балки келажак авлодга соф, мусатффо ва барқарор муҳитни тақдим этишимиз мумкин. Табиат – бу бизга мерос эмас, балки аجدодларимиздан қолган ишончли омонатдир. Бу омонатни асраб-авайлаш, унга ғамхўрлик билан ёндашиш ҳар биримизнинг муқаддас вазифамиз бўлиши керак. Зеро, инсон табиатдан эмас, табиат инсондан мустақил яшай олади. Аммо инсон табиатдан ажралган ҳолда мавжуд бўлиши мумкин эмас. Шундай экан, бугун қилаётган ҳар бир экоҳаракатимиз – келажакка йўлланган эзгу сармоя, эртанги авлодга ҳадя этилган энг бебаҳо совғаидир.

Рухшона СОБИРОВА,
Тошкент давлат юридик университети талабаси

Табиат – бу бизга мерос эмас, балки аجدодларимиздан қолган ишончли омонатдир. Бу омонатни асраб-авайлаш, унга ғамхўрлик билан ёндашиш ҳар биримизнинг муқаддас вазифамиз бўлиши керак. Зеро, инсон табиатдан эмас, табиат инсондан мустақил яшай олади. Аммо инсон табиатдан ажралган ҳолда мавжуд бўлиши мумкин эмас.

нинг асосий принципларини белгилашда, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашда, экологик ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда долзарб аҳамият касб этади. Умумий конституциявий нормаларнинг аҳамияти шу.

Хусусан, Конституциямизнинг XI боби фуқароларнинг бурчларини

давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини бузмаслиги керак. Ушбу конституциявий норманинг аҳамияти шундан иборатки, унда мулк ҳуқуқи, хусусан табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқи мазмунини белгиловчи мулкдор вақолатлари тартибга солинган ҳамда бундай хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолияти атроф табиий муҳитга зарар етказмаслиги каби талаб мустаҳкамланган.

Давлат экологик сиёсатининг асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 68-моддасида ўз аксини топган. Унга кўра, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Конституциямиздан ташқари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича яна бир қанча қонунлар қабул қилинган. Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз керакки, атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилишда халқаро экологик ҳамкорлик жуда муҳим аҳамият касб этади, бунда

та бағишланган бўлиб, 62-моддада фуқароларнинг айнан экологик бурчлари ҳам белгилаб қўйилган. Ушбу моддага мувофиқ фуқаролар атрофга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдир. Мазкур норманинг аҳамияти шу билан белгиланадики, унда биринчидан, фуқароларнинг экологик бурчи Конституция даражасида мустаҳкамланган; иккинчидан, атроф табиий муҳит тушунчасининг



«Яшил истеъмол» маданияти:

ТАБИАТ ВА ИНСОН
МУНОСАБАТЛАРИ УЙҒУНЛИГИ

(Боши 1-саҳифада)

Озиқ-овқат хавфсизлиги тизими нафақат озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни, балки фуқаролар томонидан уларни истеъмол қилиш маданиятини ҳам назарда тутди. Шундан келиб чиққан ҳолда, биргина пойтахтимиз Тошкент шаҳрида кунига 3 тонна нон чиқиндига чиқарилаётганлиги ёки мамлакат бўйича йилига 3 миллион тонна озиқ-овқат маҳсулотларининг исроф қилиниши ёхуд иқтисодиётнинг энергия ва ресурс ҳажмдорлигини юқори даражада қолаётганлиги барча қатламдаги аҳолининг “яшил истеъмол” маданиятини юксалтиришга эҳтиёж борлигидан далолат бермоқда.

Шунингдек, бугунги глобализация жараёнларида аҳолининг истеъмолчи сифатида электр ва иссиқлик энергияси, ичимлик суви ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини янада такомиллаштиришни даврнинг ўзи талаб қиляпти. Боз устига углеводород, сув бошқа табиий ресурсларнинг чегаралангани, уларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш чораларини кўриш заруратини юзага келтирмоқда.

Ривожланган мамлакатларда озиқ-овқат ва табиий ресурслар исрофгарчилигига қарши курашиш борасида қатъий чоралар кўрилмоқда. Хусусан, 2016 йилда Францияда супермар-

кетларнинг сотилмай қолган, бироқ истеъмолга яроқли озиқ-овқат маҳсулотларидан воз кечишини тақиқлайдиган қонун қабул қилинган. Унга мувофиқ, савдо дўконлари сотилмай қолиб кетган маҳсулотларни ёрдамга муҳтож аҳоли қатламига етказиб бериш юзасидан хайрия ташкилотлари билан шартнома туза бошлади. Хитой парламенти эса 2021 йилда озиқ-овқат маҳсулотларининг исроф этилишига қарши курашиш билан боғлиқ қонун қабул қилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 май куни қабул қилинган “2030 йилгача бўлган даврда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш концепциясини тасдиқлаш тўғриси”даги қарориди ҳам аҳолининг “яшил истеъмол” маданиятини юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Концепцияни амалга оширишнинг “йўл харитаси”да эса тизимли ишларни амалга оширишнинг аниқ мақсад ва вазифаларининг белгиланганлиги бу борада аниқ натижаларга эришишда муҳим ҳисобланади.

“Яшил истеъмол” маданияти, содда қилиб айтганда, юртдошларимизнинг экологик маъсулиятни ҳис этган ҳолда жамиятда юриш-туриш, “яшил ўсиш” тамойилларига асосан табиий ресурслар (сув, ер, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси,

атмосфера ҳавоси)дан самарали фойдаланиш ва уларга нисбатан эҳтиёт-корона муносабатда бўлиш ҳамда истеъмол маданиятини ривожлантиришни ўз ичига қамраб олади. Ушбу хислатларни эса жамиятнинг барча қатламлари қаторида инсоннинг ёш-лигидаёқ онгида сингдириш ўз самарасини бериши мумкин.

“Яшил истеъмол” маданияти ғояси илк бор Президентимиз томонидан 2021 йилда Кореяда бўлиб ўтган “Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик — 2030” иккинчи халқаро саммитдаги “яшил иқтисодиёт”ни барпо этишда ёшларни фаол жалб этиш бўйича Махсус дастурни амалга ошириш ташаббуси билан илгари сурилган. Давлат раҳбарининг қарори билан ижрога йўналтирилган Концепция ўз навбатида озиқ-овқат ва табиий ресурслар истеъмолида жамиятнинг барча қатламларини, хусусан мактабгача таълимдан тортиб ишлаб чиқариш жараёнларида фаолият юритиб келаётган ходимларини ҳам қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир.

“Яшил истеъмол” маданияти мамлакатимиз аҳолисининг экологик маданиятини юксалтириш яхлит тизимининг асосий элементи сифатида нафақат мамлакатнинг озиқ-овқат ёки табиий ресурслар хавфсизлигини, балки мамлакатнинг барқарор иқтисодиётни кафолатлашда муҳим

аҳамият касб этади. Концепция атроф-муҳит муҳофазасида миллиатимизда тарих каби кўхна бўлган сувни ифлослантормаслик, дарахтларни нобуд қилмаслик, ҳайвонларга озор бермаслик каби қадрият ва анъаналарни кенг тарғиб қилиш орқали муштаҳкамлашга хизмат қилади.

Аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш концепциясининг ягона мақсади “Янги Ўзбекистон — маърифатли жамият” концепциясининг ажралмас ва узвий қисми сифатида жамиятда соғлом экологик дунёқараш ва ободликни умуммиллий ҳаракатга айлантиришдан иборатдир. Шундан келиб чиққан ҳолда Концепцияда вазифаларни давлат органларига, “яшил истеъмол” маданиятининг кундалиқ қоидаларини билишни, табиий ресурсларни исроф қилмаслик каби халқимизнинг миллий удум ва қадриятларини тарғиб қилувчи тарғибот-ташвиқот ишларини тизимли равишда амалга ошириш вазифалари белгиланмоқда, бу борада фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини қўллаб-қувватлашнинг аниқ молиявий манбалари белгилаб қўйилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш Концепциясида белгилаб берилган вазифаларни ўз муддатида ва сифатли амалга оширилиши мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, иқтисодиётни янада ривожлантириш орқали мамлакатнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Ислом ХУШВАҚТОВ,
“Давлат экологик экспертизаси
маркази” давлат муассасаси
бош директори маслаҳатчиси



Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 15-май куни ўтказилган Мактаб таълими тизимидаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш бўйича устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида соғлом, билимли, теран фикрли, ватанпарвар ёшларни тарбиялаш учун барча шароитларни яратиш муҳимлиги қайд этилди.

Дарҳақиқат, сўнгги етти йилда мактабгача ва мактаб таълими учун ажратиётган маблағ етти карра оширилган. Малака, тил билиш, янги баҳолаш тизими, фан олимпиадалари каби мезонлар асосида ўқитувчиларга 10 дан ортиқ устама жорий қилинган. Бундан самарали фойдаланган ўқитувчилар бугунги кунда 8-12 миллион сўм маош олишаётгани, бор ҳақиқат.

Таълимни устувор биламиз

Биз устозларни ватанпарвар, болажон, софдил, жонқуяр, ақл-идроқли, келажакимиз тарбиячиси деймиз ва назаримда бундай улуғ сифатларга ушбу касб эгалари ҳар жиҳатдан лойик. Афсуски, ана шундай таъриф берилган маърифат аҳлига арзимаган иш ҳақи тўлаб, ҳақ-ҳуқуқларига етарли даражада эътибор қаратилмади, мактабда ўқитувчилар бўлар-бўлмас қоғозбозликка кўмиб ташланди, бу ҳам етмагандек, коммунал тўловларни йиғиш, пахта теримида фаол қатнашиш, ариқ-зорвурларни тозалаш, ҳатто кўчаларни супуришгача бўлган ишларда ўқитувчилар фаол қатнашди. Бирорта жамоат иши қолмадики, у билан ўқитувчи шуғулланмаган ёки жалб қилинмаган бўлсин.

Президентимиз йиғилишда эндиликда мактаб директори, директор ўринбосарлари таълимга дахлдор бўлмаган йиғилишларга жалб этилмаслигини таъкидлади. Дарҳақиқат, мактабда директор учун ҳам, ўринбосарлар учун ҳам таълим соҳасида бажарилиши лозим бўлган ишларнинг салмоғи етарли. Бунинг учун эса, биз мактабда доимий бўлиши-миз, таълим ва тарбия жараёни би-

лан мунтазам шуғулланишимиз лозим.

Мактабимизда 304 нафар ўқувчилар таълим олишади. Уларга 36 нафар ўқитувчилар таълим ва тарбия беришмоқда. Ўқитувчиларимизнинг 4 нафари олий, 12 нафари биринчи тоифали, 8 нафари эса миллий ва хорижий сертификатга эга. Ўтган ўқув йилида битирувчиларимизнинг 60 фоизи олий ўқув юртларига ўқишга кирди.

Нурбек Асадов, Дилдора Саидова, Раъно Жамолова, Рухшона Худоёрова, Камронбек Эргашев, Азизбек Хайруллаев, Жаҳонгир Тулкибоев сингари ўқувчиларимиз фан олимпиадалари, спорт мусобақаларининг вилоят босқичларида иштирок этишиб, фахрли ўринларни қўлга киритди. Мактабнинг собиқ ўқувчиси, ҳозирда республика акциядорлик тижорат Халқ банки бошқаруви раиси Шухрат Отабоев томонидан саккиз минг китоб фондига эга кутубхона куриб фойдаланишга топширилди.


Кутубхона электрон дарсликлар билан ҳам таъминланган бўлиб, интернет тармоғига уланган. Бугунги мактаб битирувчиси замонавий кў-

никмаларни эгаллаган, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, креатив фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган, дунёқарашни кенг шахс бўлиб шаклланиши зарур.

Ҳозир ўзим раҳбарлик қилаётган мактаб ўқитувчиларидан ҳам аввало, касбга меҳрни, маъсулиятни талаб қиламан. Чунки бу касбни севган, усиз ҳаётини тасаввур қила олмайдиган кишигина том маънода ўқитувчи бўлишга лойик. Болага билим бериш билан бир қаторда унинг тарбиясига ҳам масъул бўлган ўқитувчи муомилада, кийиниш маданиятини тарғиб этишда бошқаларга ўрнатқучи керак. Шундай вазиятлар бўладими, ота-онасига кулоқ тутмаган айрим ўқувчилар ўқитувчига кўпроқ ишонади, ундан ибрат олади.

“Ўқитувчини ҳурмат қилмаганни мен ҳам ҳурмат қилмайман” дегандилар Президентимиз. Бу сўзлар бизни ўз касбимизни севишга, чин дилдан фидокорона меҳнат қилишга ундайди.

Неъмат ОЧИЛОВ,
Нурота туманидаги 14-умумий
ўрта таълим мактаби директори



Кейинги йилларда туризмни ривожлантириш, юртимизга сайёҳларни жалб этиш ҳақида радио-телевидениеда кўп гапириладиган, газета-журналларда ҳўп ёзиладиган бўлиб қолди. Президентимиз ҳам бу соҳага алоҳида эътибор бермоқда. Тизимни ривожлантириш бўйича қатор қарорлар ҳам эълон қилинди. Менга, “Нега бунчалар бу соҳага диққат қаратиляпти?” деган савол тинчлик бермай қўйганди. Кейин... Бу гапимни кейин давом эттирсам. Аввал сизларга Араб давлатларига қилган саёҳатимиз ҳақида гапириб берсам...

САЁҲАТ – ДУНЁНИ БИЛИШ

“КРУЗ” – СУЗИБ ЮРУВЧИ ШАҲАР

Тошкентдан учган самолётимиз беш соатда Дубай шаҳрига қўнди. Бобом, бувим, онам, опам ва синглим билан Араб диёрига қадам қўйдик. Араб денгизиди бизни дунёда катталиги бўйича иккинчи ўринда турадиган, “Круз” деб аталган катта кема кутиб турарди. Бунақанги катта кемани фақат киноларда кўрардим: ҳайратдан оғзим очилиб қолди! Узунлиги 550, энига 70 қадам! 17 қаватли. 5 минг сайёҳни қабул қила оларкан! 2000 нафар одам уларга хизмат кўрсатар экан! Сузиш ҳавзалари, кинотеатрлар, савдо шаҳобчалари, беш-олти бар-ресторанлар, волейбол, баскетбол, теннис майдончалари сайёҳлар хизматида. Ўҳ-хў! Сузиб юрувчи бу улкан шаҳар кўчаларида каюталар оралаб юраркансиз, бир зумда адашиб қоласиз.

Тўғриси, кўрқиб кемага чиққандик. Ҳатто бобом, “Кема чайқалади, набираларим денгиз касалига йўлиқиб қолишлари мумкин”, деб хавотир ҳам олганди. Бувим эса, “Чайқалса, менинг бошим айланади, чиқмайман”, деб ўзини орқага ташлаганди. Ҳаммаси бекор бўлиб чиқди. Кеманинг юрганини билмайсиз. Пиёлага чой ёки сув қўйиб қўйсангиз, чайқалмайди. Фақат тепага – палубага чиқсангиз, денгизни кўришингиз, кеманинг шиддат билан юраётганини кўрасиз, биласиз.

Дунёнинг юзлаб мамлакатларидан келган 5 минг сайёҳни қабул қилиб олиб, Дубайдан йўлга чиққан “КРУЗ” Араб денгизи бўйлаб суза кетди. Кема кечаси юради, кундузи бир сахарда тўхтади. Бизни Қатар, Абу Даби, Баҳрайн каби қатор шаҳарларга олиб борди.

ТИЛ БИЛГАН – ЭЛ БИЛАРКАН

Инглиз, француз, грек, рус, молдован, латиш, испан... Кемамизда ҳамма миллат вакиллари бор.



Аммо улар билан сўзлашиш учун тил билиш керак. Хизматчиларнинг ҳаммаси Африкадан, Лотин Америкасидан, Австралиядан келган қора танли ишчилар. “Нима керак? Қандай хизмат лозим?” деб оғзингизга қараб туришади. Уларга бир нарса дейиш учун тил билиш керак! Ана шу ерда инглиз тилини мукаммал ўрганмаганлигимдан афсусландим.

Опам Моҳинур инглизчани яхши билади, хизматчи – негр аёл билан сўзлаша кетади. Мен уларнинг суҳбатини чала-чулпа тушунаману,

нима деди деб опамнинг оғзига тикиламан.

– Бу қиз Австралиядан экан. Мана шу кемада йўл кўрсатувчи бўлиб ишларкан. Олти-етти ойда бир уйига бориб келаркан. Қолган умри шу кемада ўтаркан.

“Такси”да шаҳар айланамиз. Ҳайдовчи шаҳарнинг диққатга сазовор ерларига олиб боради, нималардир дейди, яна опамга қарайман. У ҳайдовчининг гапларини таржима қилиб беради.

Савдо дўконларини айланамиз. Сотувчилар билан опам гаплашади. Яна опамга саволларни қаторлаштириб ташлайман. Моҳинур яна эринмасдан бизга таржима қилиб беради.

Инглиз тилини мукаммал ўрганишга қарор қилдим.

ЎЗИНГДАН ҚЎЙМАСИН, ЮРТИМ

“Тепасига қарайман десанг, дўппинг тушиб кетади”, деган

гапнинг тўғрилигига Араб давлатларида юриб ишондим. Ҳақиқатан ҳам осмонўпар бинолар у давлатларда кўп экан. Ҳаммаси инсон қўли билан қурилган бинолар. Аммо дарахт йўқ – соя йўқ. Онда-сонда палмага ўхшаш одамлар эккан сунъий дарахтлар учраб қолади, холос. Бизда эса табиатнинг ўзи инъом этган дарахтлар, боғлар, тоғлар – ҳеч бир осмонўпар бинога алишмайсиз.

Уларда сувлар бор – музлатилган, илитилган, тозаланган... Аммо қаёқдандир ташиб келтирилган... Бизда эса шаркираб оққан сойлар, анҳорлар, ариқлар... Ҳовучлаб-ҳовучлаб ичасиз, хоҳласангиз чўмиласиз...

Одамлари... Кўчаларда араб деб аталмиш одамларнинг ўзи йўқ. Ҳаммаси офисида иш билан банд!

Биздагидай чойхоналарда гурунглашиб, аския қилиб, бир чойнак чойни маза қилиб ичиб ўтирган оқсоқоллар йўқмикан бу жойларда дейсиз.

Мана энди бошлаган фикримга қайтай. Туризмни ривожлантириш бежизга кун тартибига қўйилмаган экан: Худо берган ҳақиқатан ҳам жаннатмакон юртда яшарканмиз. Бизда ҳамма нарса бор: осмонўпар тоғлар, сўлим боғлар, шаркироқ сойлар... Дову дарахтлар... Туризмни ривожлантириб буларнинг барини кўрсатсак, кўз-кўз қилсак, юртимиз довуғини дунёга таратган бўламиз.

Меҳринисо ҚОСИМОВА,
Тошкент шаҳридаги
218-мактаб ўқувчиси



«Хоразмни ўз юртимдай яхши кўриб қолдим!»

Ичан қалъа давлат музей-қўриқхонаси Кўҳна Арк тарихий-меъморий мажмуасидаги ёзги кинотеатрда анъанавий Корея кинофестивали бўлиб ўтди. Унда маҳаллий аҳоли вакиллари, ёшлар, Хоразм вилоятидаги корейс миллий маркази фаоллари ҳамда маҳаллий ва хорижий сайёҳлар ҳам иштирок этди.

Кинофестивалнинг тантанали очилиш маросимида Корея Республикасининг Ўзбекистондаги фавкуллода ва мухтор элчиси Вон До Ён иштирок

этди ва иштирокчиларга самимий эзгу тилақларини изҳор қилди. У ҳар икки давлат ўртасида барча соҳаларда, шунингдек, маданий-маърифий йўналишда ҳамкорликлар ҳамда ўзаро ҳамдўстлик алоқалари мустаҳкамланиб бораётганини билдирар экан, Хоразмни, Хивани ўз юртимдай яхши кўриб қолдим, дея эътироф этди. Элчи жаноблари шунингдек, кинофестивални ташкиллаштиришдаги ёрдами учун вилоят ва шаҳар ҳокимликлари ҳамда Ичан қалъа давлат музей-қўриқхонаси маъмуриятига ташаккур билдирди.

Шундан сўнг иштирокчилар ўртасида савол-жа-

БОШПАНАЛИ ВА БАХТЛИ АВЛОД



(Боши 1-саҳифада)

Вазият шуни тақозо этарди. Баҳодир, Севара ва уларнинг жажжи фарзанди бир хонали уйда яшай бошлашди. Пойтахтлик бўла туриб ижарада яшаш ҳафсалани бироз пир қилади, лекин бошқа йўли йўқ. Севара ҳам энди ўзини эркинроқ ҳис қила бошлади, турмуш ўртоғини эрталаб ишига кузатади, фарзандига кўпроқ вақт ажратади.

Ижарадаги ҳаёт

Тошкент — орзу ва имкониятлар шаҳри. Лекин бу шаҳарда уй-жойли бўлиш орзусида яшаётган бутун бошли бир авлод бор эди.

Баҳодир ижарага чиққанида 2014 йил эди. У пайтларда Тошкентда ипотека деган тушунча қоғозда бор, амалда йўқ. Ишхонадан маош олар, лекин уни рўзгордан орттириб йиғиб, уй олиш — рўёдек эди. “Янги қурилган уйлар”, “ипотекага сотилади”, “фоизсиз бўлиб тўлашга уй” деган эълонлар у вақтда учрамасди.

Шундай шароитда минглаб, ўн минглаб ёш оилалар сингари Баҳодир ҳам ижарада яшашни тақдир деб билди.

Қизалоқлари Азиза “дада, қачон менинг хонам бўлади?” деган саволни ҳар ҳафта қайтаришдан чарчамасди. Бу орада у укалик ҳам бўлди.

Ижарадаги ҳаётнинг ўз ҳисоби бор. Ой бошида “ижара пули” де-

ган мажбурият нафақат ҳамённи, балки келажакка бўлган ишончини ҳам эзади.

Бир гал Баҳодир рафикасига ёрилиб қолди:

— Севара, Худога шукр, ҳамма нарсамиз бор, лекин ўз уйимиз йўқ-да. Фарзандларимиз ҳам худди меҳмондек улғайишяпти...

Уй-жой масаласи жуда оғриқли эди. Пойтахтга вилоятлардан келиб, ишлаб, “прописка” муаммосини енгиб ўтиб, хонадонли бўлиш у ёқда турсин, шу ерда туғилиб-ўсганлар, ҳа, ўша пропискиларнинг ҳам кўпчилиги уйсизликдан қийналишарди. Сабаби — йиллар давомида аҳоли кўпаяверган, лекин янги уйлар қурилмаган, тизимдаги адолатсизликлар муаммолар кўламини таранг бир аҳволга келтириб қўйганди.

Уйсизлик бу шунчаки бошпанасизлик эмас. Уйсизлик — ҳаловатни йўқотиш, эркинлик чеклови, болаларнинг ўйнаб-кулишига чеклов, меҳмон чақиришда бир қарор қилиб, минг ўйлаш дегани. Шу билан бирга, уйсизлик бир авлоднинг сабрини, матонатини синаган шафқатсиз мактаб ҳам бўлди.

Баҳодир ўз фарзандига қарайди. Унинг ҳаётида, балки янги уйлар қурилар, ипотека тизими осон бўлар. Лекин у билиши керак: отаси уйсизликни оилапарварлик билан енги, ижарада ҳам рўзгорини

га тўғри келганидан шод бўлди, — дейди белгиялик меҳмон Алис. — Тарихий манзараларни, музейларни кўриб ҳайратланиш баробарида кинофестивалда ҳам иштирок этганимиздан хурсандмиз.

Франциядан ташриф буюрган Жулиен ҳам саёҳат учун Ўзбекистонни, Хивани танлаганидан мамнун эканлигини изҳор этар экан, ватанига боргач дўстлари ва яқинларига ҳам бу заминни кўришларини тавсия қилишини билдирди.

Отабек ИСМОИЛОВ,
журналист

ҳалол тебратди, бола тарбия қилди ва ҳеч қачон шикоят қилмади.

Умид эшиги

Вақт ўтиши билан вазият ўзгарди. Тошкентда биринчи марта кенг камровли ва аҳолига мўлжалланган уй-жойлар қурилиши Сергели туманида бошланди.

2017 йилдан бошлаб бу туманда йирик кўпқаватли тураржой масивлари қурилиши авж олди. Илгарилари қаровсиз, ҳосилсиз бўлган жойлар замонавий шаҳарчага айланди.

Қурилиш тўлиқ инфратузилмани камраб олди — уйлар билан бирга мактаблар, боғчалар, тиббиёт ва савдо марказлари, кўнгилочар ҳудудлар, транспорт йўлаклари барпо этилди. Сергели метро йўналишининг очилиши эса бу ҳудудни Тошкент маркази билан боғлади ва уни шаҳар ҳаётининг ажралмас қисмига айлантирди.

Сергелида қурилган уйлар аҳоли учун имтиёзли ва паст фоизли ипотека кредитлари асосида таклиф этилди. Бунинг энг муҳим жиҳати — дастлабки тўлов миқдори анча паст бўлгани, кредит муддати эса 20 йилгача белгиланганида эди.

Баҳодир каби ёш оилалар учун бу оддий хабар эмас, балки янги ҳаётга йўл очадиган умид эшиги эди.

У уч кун ухлай олмади. Хужжатлар, маълумотномалар, прописка, никоҳ қайди — ҳаммасини тўплаб, ҳокимликка югурди.

— Иложи борми, ака? — деди у масъул ходимга.

— Агар ҳужжатларингиз тўғри келса, ариза қабул қилинади. Талабгорлар кўп, ҳар бири синчковлик

билан кўриб чиқилади, — деди у хушмуомалалик билан.

2018 йилнинг охирларида ёш оила танланганлар рўйхатига кирди. Кейинги йили у ўз номига битилган кўчмас мулк ҳужжатини қўлига олди...

Факт

Ўзбекистонда 25 йил ичида (1991—2016 йилларда) 113 мингта хонадонга мўлжалланган кўпқаватли уй қурилган бўлса, сўнгги 8 йил ичида (2017 йилдан 2025 йилгача) 500 мингдан зиёд хонадонга эга уйлар қурилди.

Ҳақиқатга айланган орзулар

Ушбу ҳикоя фақатгина бир оиланинг эмас, юртимиздаги минглаб оилалар тақдирининг аксидир. Сўнгги йилларда уй-жой сиёсати сўзда эмас, амалдаги муаммоларга реал ечим сифатида кўрилмоқда.

Айниқса, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида аҳолини уй-жой билан таъминлаш давлат эътиборидаги масалага айланди. Унга кўра, 2030 йилгача мамлакат бўйлаб 100 та “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилиши режалаштирилган. Бу массивлар аҳолиси кўп, лекин инфратузилма етишмайдиган туман марказлари ва шаҳар ҳудудларига яқин жойларда барпо этилади. Ҳар бир массивда камида 70 минг аҳоли учун тураржойлар, боғчалар, мактаблар, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари қурилади. Бу масивларнинг ҳар бирида 100 минг квадрат метр хонадон қурилади.

Халқаро экспертлар жалб қилиниб, келгуси беш йил учун уй-жой сиёсати стратегияси ишлаб чиқилади.

Ипотека бозорини ривожлантириш, уни аҳолининг турли қатламлари учун очиқ ва муносиб қилиш, даромади паст бўлган оилаларга субсидия, имтиёзли кредитлар тақдим этиш стратегиянинг устувор вазифаларидан бири саналади. 2025 йилнинг ўзида камида 70 мингта хонадон учун ипотека кредити тақдим этилади, шундан 30 минги учун кредитни бошланғич бадал учун бюджетдан субсидия тўлаб, даромади юқори бўлмаган оилаларга берилади.

Давлат-хусусий шериклик механизмлари асосида уй-жой қурилишини кенгайтириш, хусусий секторни рағбатлантириш ва қурилиш жараёнида шаффофликни таъминлаш орқали уй-жой соҳасида барқарор ўсишга эришилди.

Бу қиёсий таҳлил бир ҳақиқатни исботлайди: аҳоли учун уй-жой масаласи ечилмайдиган муаммо эмас экан. Агар бошланган ислохотлар тизимли ва шаффоф давом этса, келажакда “уйсиз авлод” эмас, “бошпанали ва бахтли” авлод ҳақида ҳикоялар ёзилади.

Лутфулло ТУРСУНОВ,
журналист

воблар тарикасида викторина ўтказилиб, ғолибларга эсдалик совғалари топширилди. Корея киноижодкорлари томонидан суратга олинган “Менинг кучукчам Руни” номли филм намоиши барчага манзур бўлди.

Кинофестивалда иштирок этган фаол томошабинларга ҳам эсдалик совғалари тақдим этилди. Барчага, шу жумладан сайёҳларга ҳам манзур бўлган фестивал давлатлар ва миллатлар ўртасидаги мустаҳкам ҳамдўстлик ифодасига айланди.

— Саёҳатимиз айнан фестивал-



ДАВЛАТ ОНЛАЙН ПЛАТФОРМАЛАР ВА ВЕБ-САЙТЛАРДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИНИ ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАЙДИ?



Рақамли технологиялар ривожланиши билан онлайн платформалар ва веб-сайтлар миллионлаб одамлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Ҳа, Интернет бизнинг “иккинчи уйимиз” бўлиб қолди: биз тармоқларда мулоқот қиламиз, ишлаймиз, ўқиймиз, савдо қиламиз, дам оламиз. Аммо қулайлик ортида **фирибгарлик, киберхужум, дезинформация, маълумотларнинг сизиб чиқиши каби хавфлар ҳам бўй кўрсатмоқда. Ижтимоий тармоқларда соатлаб вақт ўтказадиган болалар, айниқса, зўравонлик, кибербуллинг, порнография, наркотиклар савдоси, хавфли челленжлар каби зарарли контентлар қаршисида ҳимоясиздир. Фойдаланувчиларни рақамли хаосдан ким ҳимоя қилади? Жавоб оддий: давлат. У онлайн маконни хавфсиз ва адолатли қилиш учун қонунлар ёрдамида тартибни сақлаб туради. Келинг, бу қандай ишлашини ва нима учун интернетни ўз ҳолига ташлаб қўйиш мумкин эмаслигини кўриб чиқайлик.**

Тармоқдаги таҳдидлар: нима учун назорат зарур?

Бугун интернет нафақат мемлар ва стикерлар, балки жиддий хавф-хатарлар манзили ҳамдир. Фиррибгарлар маълумотларни ўғирламоқда, хакерлар аккаунтларни бузиб қирмоқда, сохта янгиликлар эса ваҳима уйғотмоқда. Болалар руҳиятига зарба берувчи кибербуллингга ёки гиёҳванд моддалар ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи контентга дуч келишяпти. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, бутун дунё бўйлаб ўсмирларнинг 70 фоизи интернетда таъқибга учраган. Катталар ҳам



хавфсиз эмас: шахсий маълумотларнинг ошкор бўлиши чўнтагингизга ёки обрўйингизга бир лаҳзада путур етказиши мумкин. Ушбу таҳдидлар кечиктириб бўлмас чоралар ва ҳаракатларни талаб қилади. Дунё давлатлари платформаларни қоидалар бўйича ишлашга мажбур қиладиган қонунлар яратиб, ҳимоячи ролини ўз зиммасига олишга киришганига анча бўлди.

Ўзбекистон: фойдаланувчиларни ҳимоя қилиш учун янги қонун лойиҳаси

Ўзбекистонда “Онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унинг мақсади сўз эркинлигига путур етказмаган ҳолда, интернетни янада хавфсиз қилишдир. Қонун лойиҳаси платформалардан контентни модерация қилиш, фойдаланувчи маълумотларини ҳимоя қилиш ва шаффоф бўлишни талаб қилади. Масалан, ижтимоий тармоқлар ўзларининг тавсия алгоритмлари қандай ишлашини тушунтириши ва ирқ ёки соғлиқ ҳақидаги маълумотлардан фойдаланмаслиги керак. Болаларни зўравонлик, кибербуллинг, жиноий ҳаракатлар ёки ўз жонига қасд қилишни тарғиб қилувчи зарарли контентдан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилади. Платформалар ҳокимият билан ҳамкорлик қилишга мажбур: агар таҳдидлар аниқланса, улар муаллифнинг IP манзили ва бошқа мавжуд маълумотларни ҳуқуқ-тартибот идораларига узоқ вақтга қўйиб қўлади. Қоидабузарларга эса қириш ҳуқуқи чекланади. Ушбу ёндашув жаҳон тажрибасидан олинган бўл-

са-да, аммо маҳаллий воқелик инобатга олинган.

Жаҳон тажрибаси: бошқа мамлакатлар интернетни қандай тартибга солади?

Тармоқни тартибга келтириш мақсади фақат Ўзбекистонда бор нарсаси эмас. Германия 2017 йилда ёқ NetzDG қонунини жорий этиб, Facebook ва YouTube каби платформаларга 24 соат ичида тўхматдан тортиб экстремизмга бўлган ноқонуний контентни ўчириш мажбуриятини юклаган эди. Қоидабузарлик 50 млн еврогача жарима билан жазоланади. Туркия янада илгарилар кетди: 2020 йилдан бошлаб TikTok ва Twitter каби хорижий компаниялар мамлакатда ўз офисларига эга бўлиши ва тақиқланган контентни биринчи талабдаёқ ўчириб ташлаши керак. Ушбу талабни рад этганлик учун 1 млн евро жарима ёки трафикни секинлаштириш жазоси қўланади. Қозғистон 2023 йилда блогерларни тартибга солувчи қонунни қабул қилди: 100 минг фойдаланувчига эга платформалар дезинформацияга қарши курашиши, инфлюенсерлар эса реклама контентига махсус белги қўйиши шарт этиб белгиланди. Қоидабузарларга 320 долларгача жарима ёки 15 суткага қамоқ жазоси қўланади. Бу мисоллар шуни кўрсатадики, давлатлар шунчаки кузатиб турмай, фуқароларни фаол ҳимоя қилишга аллақачон киришган.

Фойдаланувчи ҳуқуқлари: биз нимага эга бўламиз?

Қонунлар фойдаланувчиларга ҳақиқий ҳуқуқлар беради. Ўзбекистонда, масалан, ноқонуний контент ёки аккаунтнинг нотўғри блокланиши устидан шикоят қилишингиз мумкин. Платформалар постингиз нима учун олиб ташланганини тушунтиришга мажбур, қарорларга эса суд орқали эътироз билдирилиши мумкин. Бу интернетни янада шаффоф ва адолатли қилишга ёрдам беради. Европада ҳам шунга ўхшаш ёндашув мавжуд: Рақамли хизматлар тўғрисидаги директивага (DSA) кўра, платформалардан маъ-

лумотларни ҳимоя қилиш ва контентни модерация қилиш, айниқса, болаларни ҳимоя қилиш қатъий талаб этилади. Бундай чоралар сизнинг интернетдаги овозингиз эшитилишига ва ҳуқуқларингиз ҳимоя қилинишига ишонч бағишлайди.

Ҳимоя ва эркинлик ўртасидаги мувозанат

Интернетни тартибга солиш нафақат хавфсизлик, балки эркинликни сақлаш ҳамдир. Ўзбекистон қонунларида цензурага йўл қўйиб бўлмаслиги, ахборот эркинлиги устуворлиги белгилаб қўйилган. Аммо назорат бўлмаса, интернет фиррибгарлар ва экстремистлар гуллаб-яшнайдиган ахлатхонага айланади. Ҳозир барча мамлакатлар ҳукуматлари олтин ўрталикни — тақиқламасдан ҳимоя қилиш йўллариини изламоқда. Бу осон эмас, чунки ҳаддан ташқари қаттиқ қоидалар сўз эркинлигини бўғиб қўйиши, заиф қоидалар эса фойдаланувчиларни ҳимоясиз қолдириши мумкин. Муваффақият ҳамкорликка боғлиқ: платформалар модерация усулларини кучайтиради, ҳокимият ўйин қоидаларини аниқ белгилаб беради ва фойдаланувчилар қоидабузарликлар ҳақида хабар беришади.

Нега бу биз учун муҳим?

Интернет бизнинг дунёимизнинг аксидир ва агар тартиб бўлмаса, у хавфли маконга айланиб қолади. Болалар, катталар, бизнес — барчаси хавфсиз рақамли муҳитга муҳтож. Ўзбекистон жаҳон тенденцияларидан ортда қолмай, фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ҳимояланган ва таҳдидлар назорат остида бўлган адолатли интернет сари қадам ташламоқда. Аҳамиятлиси, бундай чоралар бошқа давлатларда иш бераётганидир. Аммо қонунлар — бу фақат бошланиши. Интернет хавфсиз бўлиши учун ҳукумат, платформалар ва ўзимиз биргаликда ҳаракат қилишимиз керак. Ахир рақамли дунёда биз босадиган ҳар бир клик бетартиблик ва тартиб ўртасидаги танловдир.

Жаҳонгир ҚЎЗИЕВ,
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
етакчи мутахассиси

Дунё бўйлаб долзарб муаммолар таркибида, албатта, экология ҳам муҳим ҳисобланади. Бу бўйича барча давлатларда турли чоратadbирлар кўриб борилади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, чиқиндиларни қисқартириш, зарарли газлар миқдорини камайтириш, шунингдек, озон қатлами емирилишининг олдини олиш бўйича давлатлараро доимий музокаралар ҳам ўтказилади. Муаммоларни бартараф этиш бўйича фикрлар кўриб чиқилади.



ХАВФСИЗЛИК ПОЙДЕВОРИ

Жумладан, кун икки кеча юртимизда Президент қарорига мувофиқ 2030-йилгача бўлган даврда аҳолининг экологик маданияти юксалтириш концепцияси қабул қилинди. Унга мувофиқ кўйидаги мақсадли кўрсаткичлар белгиланди:

■ 3,3 миллион нафар мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларида экологик маданиятнинг шаклланиши;

■ 4,2 миллион нафар умумий ўрта таълим тизими ташкилотлари ўқувчиларида экологик таълим-тарбиянинг мустаҳкамланиши, экологик маданиятнинг юксалиши;

тақдим этиш ва уларнинг парвариши бўйича масъул шахслар бириктириш, хорижий тажриба асосида экологик таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш чораларини кўриш, экология соҳасида ҳуқубузарликлар содир этилишини назоратга олиш кабилар.

Қарор доирасида Экология, Олий таълим фан ва инновациялар, Мактабгача ва мактаб таълими вазирликлари, Ёшлар ишлари агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда бир қатор режалар ишлар ва лойиҳалар ўтказилиши ҳам айтиб ўтилди. Аҳолининг турли қатламлари ўртасида “Яшил макон”

ри ўтказиш, 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб илмий лойиҳалар ўтказиш ва экологик маданиятни юксалтиришга доир илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этишга оид мавзулар эълон қилиш, олий таълим муассасаларида Ўзбекистон эковолонтер талабалари ҳаракатини ташкил этиш, илмий изланиш олиб бораётган талабалар ва олимларни бирлаштирувчи “Эколог олимлар ҳамжамияти” нодавлат нотижорат ташкилотини таъсис этиш, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда “яшил истеъмол” маданиятининг кундалик қоидалари, табиий ресурсларни исроф қилмаслик, уларни асраб авайлашни тарғиб қилувчи роликлар, ташқи реклама ва эълонлар жойлаштириш каби тадбирлар шулар жумласидандир.

Экологик маданият – нафақат табиатга онгли муносабатда бўлиш, балки ҳар бир инсонда билим-кўникмаларни ошириш ва шу орқали эколамга ижобий таъсирини ўтказишдир. Табиатни муҳофаза қилиш барчамиз учун зарур ва муҳим ҳисобланади. Жамиятда экологик маданиятни ривожлантириш, ошиб бораётган хавфли кўрсаткичларни камайтириш, экологик муаммоларни бартараф этиш орқали хавфсизлик пойдевори яратилади.

Севара ҚАЙИМОВА,
ЎзДЖТУ Халқаро журналистика
факултети талабаси

Муассислар:

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси

Савдо-саноат палатаси

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

Тахрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Акмал САИДОВ
Актам ҲАЙИТОВ
Камолиддин ИШАНХОДЖАЕВ
Даврон ВАҲОБОВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир

Мақсуд

ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.

Буюртма рақами Г-510

Адади: 1600

Пайшанба кун икки чиқади.

Қоғоз бичими А-3,

ҳажми 2 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нархда.

«Жамият»

ижтимоий-сиёсий газетаси

2024 йил 2 августда

Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги

Ахборот ва оммавий

коммуникациялар агентлиги

томонидан 0010-рақам билан

рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7722

Боғланиш учун

телефонлар:

99-994-70-52

98-111-48-29

Электрон почта:

jamiyat@umail.uz

Газета индекси – 131

“ЖАМИЯТ”дан олинган

маълумотларда манба

сифатида газета номи

кўрсатилиши шарт.

Топширилган вақти: 20:00

1 2 3 4 5 6

Қарорга мувофиқ, 2030-йилгача бўлган даврда

аҳолида экологик маданиятни юксалтириш, давлат органлари ва ташкилот ходимларида экологик билимни ошириш учун бепул курслар ташкил этиш ҳам кўзда тутилган. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига амалга оширилиши керак бўлган бир қатор вазифалар белгиланди.

■ 400 минг нафар ўрта махсус ва касбий таълим тизими ташкилотлари ўқувчиларида экологик таълим-тарбиянинг мустаҳкамланиши, экологик маданиятнинг юксалиши;

■ 1,9 миллион нафар олий таълим тизими ташкилотлари талабаларида экологик маданиятнинг юксалиши;

■ 90 фоиз давлат органлари, корхона ва муассасалари ходимларида экологик маданиятнинг юксалиши.

Шунингдек, қарорга мувофиқ, 2030-йилгача бўлган даврда аҳолида экологик маданиятни юксалтириш, давлат органлари ва ташкилот ходимларида экологик билимни ошириш учун бепул курслар ташкил этиш ҳам кўзда тутилган. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига амалга оширилиши керак бўлган бир қатор вазифалар белгиланди. Жумладан, атроф-муҳитга доир ахборотлар бериб бориш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида экиладиган дарахт ва кўчатлар ҳақида маълумотлар

умуммиллий лойиҳаси доирасида “Янги дарахт – янги нафас” республика экомпионати, ҳар ой бир маротаба “маҳаллани чиқиндидан ҳоли ҳудудга айлантирамиз” шиори остида акциялар, ташвиқот тадбирлари



ТУЗАТИШ

Газетамизнинг 2025 йил 15 май сонидан эълон қилинган “Янги нормалар: ахборот қай ҳолларда ноқонуний деб топилади?” сарлавҳали мақоладаги техник хатолик билан ўтиб кетган “121-модда” сўзи “12-модда” тарзида ўқилсин.

БЎЛАР ЭКАН-КУ!

ёхуд Бухородо йўл хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган
хайрат ва ҳавас уйғотувчи бунёдкорлик хусусида

Сафарга отланганда ёки ҳар куни ишга бораётганимизда ҳам ота-онамиз: “Йўлинг беҳатар бўлсин!” дея тилак билдиради. Зеро, йўл — синов, машаққат ва тобланиш демакдир. Йўлга чиққан йўловчи истайдими-истамайдими, кўчанинг равон ёки носозлигига эътибор қаратади. Йўл нобоп бўлса, йўл азоби — гўр азоби, деб нолийди. Текис, сифатли йўллар эса нафақат кўзни, кўнгилни ҳам қувонтиради. Хўш, бугун бу борада мамлакатимизда қандай ишлар бажарилмоқда?

Ўтказилиб, лойиҳани амалга ошириш механизми келишилди.

Биринчи босқич: “Цемент-бетон қопламали ички йўллари қуриш” лойиҳасининг биринчи босқичида Осиё тараққиёт банки иштирокидаги амалдаги лойиҳалар доирасида иқтисод қилинган маблағлар ҳисобига ҳудудларда (Бухоро вилоятида — 53,9 км, Сурхондарё вилоятида — 52,9 км) жами 106,8 км узунликдаги

текисловчи қатлам, 43,6 км (81 %) М75 талабига жавоб берадиган 25 см цемент билан мустаҳкамланган асос (СТВ) ҳамда 37,3 км йўл қопламасининг устки қатламини 16—18 см калинликда М350 маркали цемент-бетон қоплама билан қуриш ишлари бажарилди. Шунингдек, 9 дона кўприк қуриш ишлари бажарилган.

Осиё тараққиёти банки иштирокидаги “А380 “Ғузор — Бухоро — Нукус

хоро — Нукус — Бейнеу” автомобиль йўлининг 228-315 км (87 км) қисмини реконструкция қилиш лойиҳаси” доирасида реконструкция қилиш ишлари якунланган объектни фойдаланишга қабул қилиш бўйича Давлат қабул комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги Фармойиши эълон қилинди. Ҳозирги кунда, Давлат қабул комиссиясини объектни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги далолатномасини тайёрлаш ва тасдиқлаш ишларини олиб борилмоқда.

Автомобиль йўллари — иқтисодиётнинг “қон томири”. Шу боис мамлакатимизда бу соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, иш кўлами ва сифати ошириб борилмоқда. Хусусан, 2009-2016 йилларда 9 триллион сўм эвазига минг километрдан кўпроқ йўл қурилган ва 20 минг километр таъмирланган бўлса, сўнгги саккиз йилда бу кўрсаткичлар 6 баробаргача ўсган. Яъни, соҳага 58 триллион сўм ажратилиб, 2 минг километр йўл барпо этилган, 100 минг километри таъмирланган.

Йўллари илмга асосланиб, замонавий ёндашувлар асосида қуришга эътибор кучайди. Масалан, лойиҳа ҳужжатларининг намунавий андозаларидан воз кечилиб, ҳар бир ҳудуднинг геологик ва экологик хусусиятидан келиб чиқиш усулига ўтилди. 1 минг 700 та махсус техника харид қилиниб, йўл хўжалиги корхоналарининг таъминот даражаси оширилди. Янги турдаги асфальт-бетон, цемент-бетон қопламалар жорий этилди.

Натижада сифат ҳам ўзгараётган. Янги қурилган йўллarning эксплуатация муддати 15-20 йил бўлади. Уларнинг ҳолати 42 турдаги кўрсаткич бўйича текшириб борилади. Жаҳон банкининг грант маблағлари ҳисобидан олиб келинган техникалар йўлнинг физик хоссаларини баҳолаш ҳамда ер остидан ўтган коммуникация тармоқлари ҳолатини қопламани бузмаган ҳолда текшириш имконини беради.

Кўчалардаги ободлик “Яшил макон” дастурининг, умуман, маданиятимизнинг бир қисми. Ҳар мавсум уларнинг икки четида кўчатлар экилмоқда. Шунингдек, дарахтларни парваришлаш учун йўллар бўйидаги ер майдонларини ижарага бериш жорий этилди.

Мана шундай ишларнинг ёрқин самарасини ва натижасини Бухоро вилоятида амалга оширилаётган улкан лойиҳалар мисолида кўриб келдик. Бу қадим манзилга йўлингиз тушса, айтган сўзларимизга албатта амин бўласиз. Ростдан ҳам бекиёс ўзгаришлар кўзга ташланмоқдаки, бундан фақат хайратланиш мумкин.

Йўлларимиз равон бўлаверсин.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ



цемент-бетон қопламали йўллари қуришга йўналтириш белгиланди.

Осиё тараққиёт банки иштирокидаги Бухоро вилоятида жойлашган “А380 “Ғузор—Бухоро—Нукус—Бейнеу” автомобил йўлининг 228—315 км қисмини реконструкция қилиш” лойиҳаси доирасида Бухоро вилоятида 54 км ички йўллари реконструкция қилиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича жорий йилнинг 14 мартада бош пудратчи — China Railway 20 Bureau Group Corporation (CR20BGC) компанияси билан қиймати 14,4 млн АҚШ долл. пудрат шартномаси тузилган.

Лойиҳа консултант — “Dohwa Engineering Co., Ltd” (Жанубий Корея) консалтинг компанияси.

Лойиҳа институти томонидан йўлларнинг конструктив қисмига, асос сифатида хизмат қиладиган мавжуд эски материални ишлатган ҳолда совуқ ресайклинг технологияси асосида мустаҳкамлиги М75 талабига жавоб берадиган 25 см қатлам қайта ишлаб, устига 18 см М350 бетон қопламасини қуриш билан лойиҳалаштирилган.

Қурилиш ишларини бошлашга 2024 йил 28 июндан рухсат берилган. Ҳозирги кунга қадар, пудратчи ташкилот томонидан Бухоро вилоятида белгиланган 53,7 км ички йўллари қуриш лойиҳаси доирасида шу кунга қадар 44,8 км (84 %) узунликда



—Бейнеу” автомобиль йўлининг 228-315 км (87 км) қисмларини реконструкция қилиш” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 сентябрдаги қарори асосида амалга оширилган.

Лойиҳа доирасида 87 км бўлган автомобиль йўли 4 тасмали цемент-бетон қоплама билан реконструкция қилинди (100%), 15 та ўрта ва кичик кўприклар қайта қурилган, 57 км бўлган метал тўсиқлар тўлиқ ўрнатилган ва ҳоказо.

2024 йил 1 август куни объект Ишчи комиссиясига топширилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 6 мартда Осиё тараққиёт банки иштирокидаги “А380 “Ғузор — Бу-

Юртимиз доврўғини дунёга танитишда асосий омиллардан бири ҳисобланувчи бу тизимдаги ислохотлар одамларга маъқул бўляптми? Шу ва шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида, қолаверса, йўл хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан оммавий ахборот воситалари вакилларини таништириш мақсадида Автомобиль йўллари қўмитаси томонидан Бухоро вилоятига сафар уюштирилди.

Дастлаб Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки иштирокидаги “А380 “Ғузор—Бухоро—Нукус—Бейнеу” автомобиль йўлининг 150-228 км (78 км) қисмини реконструкция қилиш” лойиҳаси билан танишдик. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 июлдаги 462-сон қарорига асосан, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки билан 2026 йил 30 июнга қадар амал қиладиган қарз битими имзоланган бўлиб, кредит қиймати: 165,5 млн АҚШ долларини ташкил этади. Лойиҳани амалга ошириш муддати 2021—2025 йиллар этиб белгиланган.

Лойиҳа қуввати 78 кмни ташкил этади. У қуйидаги ҳудудларни қамраб олган: Қоровулбозор туманида 35, Бухоро туманида 10, Когон тумани 14, Когон шаҳрида 7 ва Бухоро шаҳрида 12 км.

Лойиҳа доирасида 63,36 км (81 фоиз) узунликдаги йўлнинг ўнг қисмида ва 55,03 км (70 фоиз) узунликдаги йўлнинг чап қисмида мавжуд асфальт қопламасини кесиш ишлари бажарилди.

Президентимизнинг “Цемент-бетон қопламали автомобиль йўллари тармоғини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 18 майдаги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 27 декабрдаги қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида республикада халқаро молия институтлари иштирокида ички йўллари янги ёндашув ва халқаро стандартлар асосида цемент-бетон қопламага ўтказиш бўйича қуриш ишлари уч босқичда амалга оширилмоқда. Мазкур ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида Халқаро молия институтлари билан музокаралар